# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 19 июнь, № 118 (6048) Пайшанба


# ПРЕЗИДЕНТЛАР САМАРҚАНДГА ТАШРИФ БУЮРДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ 18 июнь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрдилар.**



Олий мартабали меҳмон қадим шаҳарнинг муаззам тарихий обидалари билан танишувни Мирзо Улуғбек расадхонасидан бошлади. Жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома Мирзо Улуғбек бунёд этган мазкур иншоот аждодларимиз закоси, юртимиз илм-фанининг чуқур илдизларидан далолат беради. Пак Кин Хэга машҳур олим ва давлат арбоби ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида сўзлаб берилди.

— Расадхонага киришим билан Мирзо Улуғбекнинг қанчалар буюк даҳо ва улкан иқтидор эгаси бўлганини ҳис этдим, — деди Корея Республикаси Президенти.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари “Афросиёб” музейида бўлдилар. Ундаги экспонатлар халқимиз давлатчилик тарихидан, мамлакатимизда қадимдан ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ривожлангани, халқаро алоқалар кенг йўлга қўйилганидан ҳикоя қилади. Деворий суратлардан бирида Афросиёб (қадимги Самарқанд) ҳукмдорининг турли мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими акс этган. Улар орасида Чосон (Корея) элчисининг ҳам борлиги халқларимиз ўртасидаги муносабатлар илдизи бир неча асрларга бориб тақалишидан далолат беради.

“Афросиёб” музейи ҳудудида ташкил этилган “Буюк Ипак йўлидан” деб номланган боғ мамлакатларимиз ўртасидаги яқин дўстликнинг яна бир намунасидир. Бу ерда жадал ривожланаётган Ўзбекистон ва Жанубий Корея дўстлиги ва ҳамкорлиги рамзи сифатида ёдгорлик ўрнатилган.

Корея Республикаси Президенти Регистон мажмуини диққат ва ҳаяжон билан томоша қилди. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимиз бой меросини чуқур ўрганиш, тарихий обидаларни асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган бетимсол ишларга юксак баҳо берди.

Пак Кин Хэ Регистон мажмуида миллий ҳунармандлик буюмлари кўргазмасини кўздан кечирди, Самарқанд гиламларининг тўқилиш жараёни билан қизиқди.

Жанубий Корея раҳбари Амир Темур мақбарасини зиёрат қилиб, Соҳибқироннинг сўнмас хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Олий мартабали меҳмон қадим маданиятимиз ва миллий давлатчилигимиз тарихининг тимсоли, меъморлик санъатимизнинг юксак намунаси бўлган Самарқанд шаҳридаги бетакрор обидалар ўзида унутилмас таассурот қолдирганини алоҳида таъкидлади.

Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи самарали бўлди. Ташриф асносида давлатлараро, вазирлик ва идоралар даражасида қатор манфаатли келишувларга эришилди. Имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилиши қайд этилди.

Шу билан Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг Ўзбекистон Республикасига илк давлат ташрифи якунига етди. Жанубий Корея раҳбари Ўзбекистонга ташрифи жуда самарали ва фойдали бўлганини таъкидлаб, самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга чуқур миннатдорлик билдирди.

**Ирода УМАРОВА,**
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

*18 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

# ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф қилинган кун тартиби тасдиқланганидан сўнг депутатлар жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларидаги фаолиятнинг ҳуқуқий негизини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор долзарб қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Парламент қуйи палатаси аъзолари Президент Ислом Каримов томонидан 2010 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган Олий Мажлис иккала палатасининг қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини рўёбга чиқариш доирасида ишлаб чиқилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасига алоҳида эътибор қаратдилар. Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган ва жорий йилнинг март ойида биринчи ўқишда кўриб чиқилган эди.

Унда ижтимоий шериклик тушунчаси, унинг субъектлари, принциплари ва асосий соҳалари аниқ таърифланган, давлат органларининг ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий процессуал механизмлари, уларнинг ижтимоий ва социал аҳамиятга молик муаммоларни ҳал этишдаги, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, ишбилармонлик ва социал фаоллигини оширишдаги иштироки шакллари ҳамда усуллари аниқлаштирилган.

Ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш бўйича ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш учун ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик ҳамда ижро этувчи органларининг роли ва масъулиятини ошириш, шунингдек, фуқаролик институтларини тегишли ҳудудда ижтимоий аҳамиятли масалаларни ҳал этишга жалб этиш учун қўшимча қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида қонун лойиҳасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида ижтимоий шериклик бўйича жамоатчилик комиссияларини ташкил этиш, шунингдек, ҳокимиятнинг тегишли минтақавий вакиллик органлари ҳузурида ижтимоий шерикликда иштирок этувчи ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли фондларни тузиш назарда тутилган.

Жамоатчилик комиссиялари фаолиятига Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг фаолияти давомида ўзини оқлаган принциплар асос қилиб олинди.

Аҳолининг ижтимоий онги, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ўсган шароитларда қонун лойиҳаси давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг яхлит тизимини яратиш имконини беради, уларнинг амалий мулоқотда бўлишининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлайди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ролини кучайтириш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг самарадорлигини оширишга, катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий дастурларни ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш жараёнида аҳоли кенг қатламларининг манфаатлари ҳар томонлама ҳисобга олинишига кўмаклашади.

(Давоми 2-бетда).

## ДУНЁ НИГОҲИ

Тошкентда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзуидаги халқаро конференция қатнашчиси — Словакия савдо ва сармояни ривожлантириш агентлиги (SARIO) менежери Павел Чобирка ўз ватанига қайтиб борганидан сўнг, ушбу форум натижалари юзасидан “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида қуйидаги фикр-мулоҳазаларни баён қилди:

### «Тошкент халқаро анжуманининг амалий самаралари, ҳадемай, кўзга ташланади»

— Ўзбекистон шундай муҳим халқаро конференцияни ўтказиб, нафақат мамлакат қишлоқ хўжалиги соҳаси тараққиёти, балки унинг экспорт салоҳияти кенгайиши йўлида ҳам яна бир муҳим қадам ташлади, деб ўйлайман.

Президент Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган изчил сиёсат натижасида мустақил тараққиёт йиллари давомида Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида улкан муваффақиятларга эришилди.

Фикримча, бундай конференциянинг ўтказилиши Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожланиши янги босқичининг ибтидоси бўлиб қолади, чунки халқаро форум натижалари республиканинг аграр жабҳасини модернизациялашда муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда).

## Пиллачилик: Фидокорона меҳнатнинг салмоқли натижаси

*Мамлакатимиз пиллакорлари бугунги кунгача 26 минг тоннадан зиёд “кумуш тола” тайёрлаб, йиллик шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажардилар.*

### ИФТИХОР

Ипак қурти — табиатнинг мўъжизаси. Бундай дейишимизнинг боиси шундаки, у жуда қисқа вақт ичида муҳим саноат хом ашёси — марвариддек оппоқ пилла ўрайдики, унинг ҳар биридан ўртача 800-950 метр тола олиш мумкин. Эътиборли томони, бу тола ўрнини бошқаси боса олмас экан. Шу боис юртимизда тўқилган атлас, адрас, шоҳи каби миллий матоларимизнинг довруғи дунёга тарқалган. Уларга бўлган талаб эса ҳар доим юқори.

Кейинги йилларда давлатимиз томонидан пиллачилик тармоғига қаратилаётган алоҳида эътибор, пиллакорларга яратиб берилаётган муносиб шарт-шароит туфайли маҳсулот тайёрлаш ҳажми ортиб, сифати тобора яхшиланмоқда. Шубҳасиз, бунда Президентимизнинг 2006 йил 15 ноябрдаги “Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР



*Ўтган йилда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида берилган имтиёз туфайли Уйчи туманидаги “Экстра пример бат” МЧЖ 72,8 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағни тежаб қолишга эришди. Ушбу сармоя қуёш батареялари ишлаб чиқаришга йўналтирилди.*

### Тежалган маблағ ҳисобига

Автомобиллар учун аккумулятор тайёрлашга ихтисослаштирилган корхонада айни чоғда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг 70 фоизи маҳаллий хом ашё негизида амалга оширилмоқда.

— Жорий йилда маҳаллийлаштириш йўналишида 10 та корхонада жами 18 та лойиҳани рўёбга чиқариш мўлжалланган, — дейди вилоят иқтисодиёт бош бошқармаси бош мутахассиси Комилжон Бадалбоев. — Биринчи чорак давомида мазкур лойиҳалар доирасида 8 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. Натижада хом ашё ва бошқа ресурслар, шунингдек, божхона тўловлари учун сарфланиши лозим бўлган 1,9 миллион АҚШ долларига тенг валюта иқтисод қилинди. Бу ушбу корхоналар учун ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришда қўл келмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Автоматик технологиялар жорий этилади

*Оролбўйида “Жанубий Қорақалпоғистонда сув захираларини бошқаришни яхшилаш” лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Умумий қиймати 260 миллион АҚШ долларига тенг бўлган ушбу лойиҳа 2014 — 2020 йиллар давомида рўёбга чиқарилади.*

— Бундан кўзланган асосий мақсад Беруний, Тўрткўл ва Элликқалъа туманларига сув етказиб беришни яхшилашдан иборат, — дейди Халқаро Оролни қутқариш Ижроия қўмитаси Нукус филиали директори У. Ақназаров. — Шу билан бирга, бир нечта магистраль каналларни таъмирлаш, янгидан қуриш юмушлари бажарилади. Айни чоғда сув тақсимотини назорат ва ҳисоб-китоб қилувчи автоматик технологиялар жорий этилади.

Лойиҳа натижасида 120 минг гектардан зиёд суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, йилига 296 миллион куб метр сув ҳамда 14,5 триллион сўмлик электр энергиясини тежаш имконияти юзага келади.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Маҳсулот тури кўпайди

*Навоий шаҳридаги “Қизилтепа Турон” масъулияти чекланган жамияти томонидан нон ва қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди.*

Бу ерда диетологлар тавсияси билан қора нон ҳам тайёрланмоқда. Маҳсулот таркиби буғдой ва соя уни билан бирга, Е витамини, антиоксидант, калций, крахмал каби минераллар билан бойитилмоқда.

Чехия давлатидан қарийб 78 минг евро эвазига келтирилган замонавий ускуналарда бир суткада уч тоннагача ун қайта ишланиб, 25 турдаги нон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Хориж технологияси тўлиқ электр энергияси билан ишлайди, — дейди корхона раҳбари А. Рўзиев. — У амалдаги технологиядан фарқли равишда энергияни уч-тўрт баробаргача тежайди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Шу йилнинг биринчи чораги давомида мамлакатимизда иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклаш мақсадида**

**568,2**

**миллиард сўм миқдорида инвестиция йўналтирилди.**

Иқтисодий ночор корхоналарни реструктуризация қилиш ва молиявий соғломлаштириш ҳамда уларни янги мулкдорларга бериш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кўплаб хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти қайта йўлга қўйилиб, иш жойларини сақлаб қолиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ҳатто уларнинг катта қисмини экспорт қилишга эришилди.




### Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси ва қонунчилик

Юртимизда истиқлол йилларида хотин-қизлар қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтидорини тўла рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар тақдим этилди. Бунинг учун мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Зеро, аёлларнинг жамият ҳаётидаги обрўси ва нуфузини янада ошириш, уларда ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, опа-сингилларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидандир.

# ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қонун лойиҳаси қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўлланиш амалиётини, шу жумладан, чет мамлакатлар қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўлланиш амалиётини, шунингдек, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни атрофлича таҳлил қилиш асосида тайёрланди. Иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида қонун лойиҳаси барча даражадаги депутатлар, вазирликлар ва идоралар экспертлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакиллари иштирокида кенг муҳокамадан ўтди. Ҳужжатни такомилига етказиш чоғида унинг айрим қоидаларини янада такомиллаштириш мақсадида мамлакатнинг барча минтақаларида ўтказилган кўплаб конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар ва бошқа учрашувларнинг натижаларидан фойдаланилди. Энг қимматли ғоя ва таклифлар иккинчи ўқишга тайёрланган қонун лойиҳасининг матнига киритилди.

Қонун лойиҳасини ҳар томонлама моддама-модда муҳокама қилиш пайтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Қонунчилик палатаси ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳар бир моддасини муҳокама қилиш жараёнида билдирилган барча фикрларни эшитиб ва муҳокама этиб, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди.

Кун тартибидаги кейинги масала «Тижорат сири тўғрисида»ги қонун лойиҳаси эди. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг махфий ахборотга, шу жумладан, ҳимояланиши шарт бўлган тижорат сирига тааллуқли маълумотлар рўйхати тасдиқланган қарорларига мувофиқ тайёрланди. Ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси қоидаларига асосланади ва тижорат сирининг ҳуқуқий мақомини белгилайди. Қонун лойиҳасида асосий тушунчалар, тижорат сирига нисбатан талаблар, тижорат сирини ташкил этмайдиган маълумотлар, тижорат сири мулкдорининг ҳуқуқлари, уни ҳимоя қилиш чоралари, бошқа ҳуқуқий нормалар ўз аксини топган.

Қонун лойиҳасининг мақсади ахборотни тижорат сири тоифасига киритиш, уни тизимлаштириш ва тақдим этиш масалаларини қонунчилик йўли билан тартибга солишни таъминлашдан иборатдир. Бу хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларини бозор рақобати шароитида, айниқса, рақобат инсофсиз хусусиятга эга бўлган ҳолларда ҳимоя қилиш зарурати билан изоҳланади. «Тижорат сири тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг таркибий тузилишини шакллантиришда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидалари тўла акс этишини инобатга оладиган, долзарб бўлмаган қоидаларни истисно этадиган ва ҳавола қилувчи нормалар сонини чеклайдиган ёндашув танланди. Қонун лойиҳасининг муфассал мазмунга эга эканлиги унинг фойдаланишга қулайлигини ва хўжалик юритувчи субъектлар, давлат ижро этувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари учун бир хил тушунилишини таъминлайди.

Қонун лойиҳаси бир қанча ҳуқуқий янгиликларни ўз ичига олган бўлиб, у қабул қилинган тақдирда жамият манфаатлари соҳасидаги тижорат сири режимини белгилаш жараёнининг қонунчилик йўли билан тартибга солинишини анча яхшилайди. Мазкур ҳужжат тижорат сири эгаларининг ҳуқуқларини ушбу муносабатларни самарали норматив, шу жумладан, фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш йўли билан муҳофаза ва ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар тизимини яратишга имкон беради. Тижорат сирига эгалик қилиш асослари, шарт-шароитлари ва ушбу ҳуқуқни тугатиш чегараларининг мустаҳкамлаб қўйилиши, тижорат сири эгаларининг ҳуқуқларини муҳофаза ва ҳимоя қилиш тартиб-таомилининг тартибга солиниши ушбу ҳуқуқнинг дахлсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Муҳокама иштирокчилари яна таъкидладиларки, қонун лойиҳаси қабул қилинган тақдирда унинг нормаларини рўёбга чиқариш хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратади, ахборот технологиялари, ишлаб чиқариш янгиликлари, ноу-хау ва инновацияларни янада ривожлантириш учун рағбатлантирувчи омилга айланади, бу эса, пировард натижада иқтисодиётнинг юксалишига ва Ўзбекистон Республикасининг равнақига кўмаклашади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси моддама-модда муҳокамадан сўнг ушбу қонунни қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.**



# Модернизациялаш жараёни

## саноат корхоналарининг жадал ривожланишига хизмат қилаяпти

*Юртимизда синалган, замонавий инновацияларга асосланган технологияларни жорий этиш, шу билан бирга, ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда хорижий сармоялар кенг жалб этилаяпти.*

ИЗЛАНИШ

Зеро, Президентимиз 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидлаганидек, “Биз оддий бир ҳақиқатни доимо эсда тутишимиз зарур. Яъни сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгиланишни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди”.

Таъкидлаш жоизки, айни шу масала ҳунармандлар ва ипакчилар шаҳри — Марғилонда фаолият юритаётган ишлаб чиқарувчилар диққат-эътиборида турибди. Хусусан, модернизация ишлари 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган шаҳар саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилиб, 667 та иш ўрни яратилди. Натижада иқтисодий ўсиш суръатлари бултур аввалги йилдагига нисбатан 130 фоизни ташкил этди, экспорт улуши эса прогноз кўрсаткичларида кўзда тутилганидан 45 фоиз кўпайди — 5,4 миллион долларлик маҳсулот хорижга сотилди.

Модернизациялаш шарофати туфайли ўз фаолиятини жадал ривожлантириб бораётган корхоналардан бири “Турон Водий текс” масъулияти чекланган жамиятидир. Момиқ сочиқ ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ушбу корхона ўтган йилнинг учинчи чорагида ишга туширилган эди. Шундай бўлишига қарамай, қисқа давр ичида у мамлакатимиз енгил саноат бозорида ўз ўрнини топиб, мавқеини мустаҳкамлашга улгурди: юртимиз аҳолиси ва буюртмачиларга 257 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, корхонани модернизация қилиш, замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш тадбирларига 800 минг АҚШ доллари сарфланган. Шундан 352 минг доллари корхонанинг ўз маблағи, қолган қисми банк кредити ҳисобидан қопланган. Шунинг эвазига энг сўнгги русумдаги сочиқ тўқиш дастгоҳлари келтирилган. Айни кунларда уларни 20 киши маҳорат билан бошқармоқда. Ишчиларнинг тўрт нафари эса бултур касб-ҳунар коллежини битирган ёшлардир.

— Корхонамизда модернизация ишлари ҳалиҳануз давом эттирилаяпти, — дейди жамоа раҳбари Абдусамат Маърупов. — Гап шундаки, сочиқни тўқиш ва бўяш юмушларини ўзимизда бажариш мақсадида яна Хитойдан дастгоҳлар олиб келиш бўйича шартнома имзолаганмиз. Мазкур янги лойиҳани амалга ошириш учун бизга “Асака” банки томонидан 1 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилаяпти. Бу эса қўшимча 101 иш ўрни яратиш имконини беради.

Умуман, бу йил Марғилон шаҳри корхоналарида умумий қиймати 11,7 миллион долларлик модернизация ишларини рўёбга чиқариш режалаштирилган. Шунда 907 та янги иш ўрни ташкил этилиб, корхоналарнинг йиллик қуввати 15,6 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқаришга етказилади.

**Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Пиллачилик:

# Фидокорона меҳнатнинг салмоқли натижаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур ҳужжатда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, жорий мавсумга ҳам пухта тайёргарлик кўрилди. Энг аввало, сифатли хом ашё тайёрлаш учун ипак қурти озуқа базаси мустаҳкамланиб, пиллакорларнинг моддий манфаатдорлиги оширилди. Пилланинг харид нархи 21 фоизга оширилиб, мавсум аввалида 62,8 миллиард сўмдан ортиқ маблағ бўнак пули тариқасида берилгани бунинг яққол далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, бу йил мамлакатимиз бўйича 445 минг қути ипак қурти парваришланди. Ўртача ҳосилдорлик 58 килограммни ташкил этиб, ялпи ҳосилнинг асосий қисми — 90 фоиздан ортиғи юқори навларга қабул қилинди.



Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

“Кумуш тола”нинг юксак хирмонига, айниқса, Сурхондарё, Фарғона, Бухоро, Наманган, Қашқадарё, Навоий ва Андижон вилоятлари пиллакорлари муносиб ҳисса қўшдилар. Бешариқ, Шўрчи, Вобкент, Касби, Каттақўрғон, Ургут, Қизилтепа, Амударё туманларида ўртача ҳосилдорлик 60-68 килограммни ташкил қилган бўлса, кўплаб илғор фермер хўжаликларида бу кўрсаткич бундан ҳам ошди. Масалан, Кегейли туманидаги “Қарабас овул” фермер хўжалигида ҳар қути ипак қуртидан 75 килограмм, Касби туманидаги “Маҳманазаров Азим”, Уйчи туманидаги “Тола”, Пайариқ туманидаги “Қаҳрамон” фермер хўжаликларида 80 килограммдан зиёд сифатли ҳосил олинди.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, бундай юқори натижага эришишда маҳсулдор ипак қуртининг зотлари парваришлангани, тармоққа замонавий технологиялар жорий қилингани, шунингдек, тут барги танқислиги сезилмагани муҳим омил бўлди. Мисол учун, Фарғона водийси вилоятларида бу йил ипак қурти интенсив технология асосида, яъни плёнка остида парваришланди. Ушбу усулнинг афзаллиги шундаки, пиллахонада махсус шароит яратиш орқали пилла етиштириш муддати тезлаштирилди. Бунда вақт, ишчи кучи, озуқа сарфи икки баробар қисқарди. Пилла сифати, ҳосилдорлиги ортди. Чунки интенсив усул ипак қуртини касалликлардан муваффақиятли консервация қилиш имконини ҳам берди.

Айтиш жоизки, мавсумда “Ўзпахтасаноат” уюшмаси тизимидаги 196 та пахта қабул қилиш пунктида ташкил қилинган қуртхоналарда ҳам сифатли пилла етиштирилдики, бу, ўз навбатида, республикамизнинг пиллачилик билан шуғулланаётган 45 мингдан зиёд фермер хўжаликларига катта мадад бўлди, албатта.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан пиллачилик тармоғида изчил олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ипак қуртининг янги зот ва дурагайларини яратиш, сифатли ва саноатбоп пилла етиштириш, уни халқаро стандартлар даражасида қайта ишлаш ҳамда замонавий бозор тамойиллари асосида сотиш борасида юксак натижаларни қўлга киритишдан иборат. Ана шу талаб асосида амалга оширилаётган ишлар тез орада ўзининг юксак самараларини бериши, ўзбек пиллачилиги ва ипакчилигининг довруғини олам узра янада кенгроқ ёйишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

ОБОДЛИК

*Бугун юртимизнинг кўплаб туманларида меъморий жиҳатдан кўркам ва мустаҳкам, киши кўнглида ҳавас уйғотадиган уй-жой массивлари қад ростламоқда. Хусусан, Ғиждувон туманидаги “Позагари” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида намунавий лойиҳалар асосида даставвал 12 та, кейинроқ эса 19 та тураржой барпо этилди. Тўқол аҳоли пунктидаги ана шундай шинам уйларнинг бири Усмоновлар оиласига тегишлидир.*

# Замонавий уй-жойлар

## кўркамлиги ва қулай шарт-шароитлари билан аҳолига маъқул бўлмоқда

— Ўғлим Муҳсинжон оиласи билан кўрса кўзни қувонтиргудек мана бу уйда истиқомат қилаяпти, — дейди биз билан суҳбатда Муродилла Усмонов. — Бу йилги Наврўзни шу янги ҳовлида кутиб олдик. Невараларимни ёнимга олиб, мевали дарахт кўчатлари ўтқаздик. Томорқани тартибга келтириб, турли экинлар экдик. Муҳими, уй — ҳақиқатан шинам. Яшаш учун қулай. Келиним Ҳилолахон, айниқса, невараларим жуда хурсанд. Болалигимиз кечган иморат билан бу ҳовлини қиёслаганда, катта фарқ борлигини кўраман. Фарзандимнинг шундай уйи борлигидан кўнглимда шукроналик ҳиссини туяман. Уйинг бўлса, киройи шундай бўлса-да!

Чиндан ҳам, намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар нафақат ташқи кўриниши, балки қулайлиги билан ҳам кўпчиликка маъқул бўлмоқда. Маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиқиб, пишиқ ғиштдан барпо этилган. Қишда иссиқ, ёзда эса салқин. Айвони бор. Болалар учун алоҳида хоналар мавжуд. Шу боис уй бекаларининг боши осмонда.

— Илгари шундай замонавий уй-жойда яшашни орзу қилардик, — дейди Ҳилолахон Наимова. — Ниятимизга етганимиздан нафақат биз, балки қариндош-уруғларимиз ҳам мамнун. Менга, айниқса, бу уйда овқат пишириш, чой қайнатиш каби кундалик юмушларни ташқарига чиқмай туриб бажариш учун яратилган қулайликлар ёқди. Фарзандларим Озодбек билан Диёрбекнинг қувончини айтмайсизми?! Янги уйда улар яйрабяшнамоқда.

Дарвоқе, Муҳсинжон якка тартибдаги тадбиркор, Ҳилолахон эса Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг Ғиждувондаги касаначилик марказида ишлайди. Марказдан буюртмалар олиб, уни уйида бажаради. Янги уйга кўчиб ўтгач, иши анча енгиллашди. Касаначилик юмушларига кўпроқ вақт ажратиш имконига эга бўлди-да. Негаки, намунавий лойиҳа асосида қурилган уйда рўзғор ишларини ортиқча ташвишларсиз бажариш имконияти бор. Қолаверса, ошхона, озиқ-овқат дўкони, дорихона каби ижтимоий соҳа ҳамда инфратузилма объектлари шундоққина массив ҳудудида жойлашган. 400 метр узоқликда умумтаълим мактаби, 1,5 километр нарида Ғиждувон агросаноат касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда.

Кўриниб турибдики, Ғиждувон туманида намунавий лойиҳалар асосида замонавий тураржойлар бунёд этиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Ўтган йили Абади, Найманобод, Ҳавзак, Лабирўт, Сеталон аҳоли пунктларида жами 105 та уй-жой ўз эгаларига топширилгани, жорий йилда эса Работикунак қишлоғида 70 та уй қурилаётгани шундан далолатдир.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# «Тошкент халқаро анжуманининг амалий самаралари, ҳадемай, кўзга ташланади»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур халқаро тадбир ўзбекистонлик ва хорижлик олимлар, эксперт, муҳандис, тадбиркорлар ҳамда давлат идоралари мутасаддилари учун озиқ-овқат саноати соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларини муҳокама этиш борасидаги муҳим имкониятлар майдони бўлди.

Масалан, Ўзбекистондан фарқли ўлароқ, Словакияда мева ва сабзавотларни бир йилда фақат бир марта етиштириш мумкин. Иккинчи томондан, Словакия ўзининг қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда қўлланиладиган замонавий технологиялари билан дунёга танилган. Демак, Словакияга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт, Ўзбекистонга эса мамлакатимиздан замонавий технологияларни экспорт қилиш имконияти мавжуд. Бу конференция чоғида анжуман қатнашчилари билан муҳокама қилган масалалардан биргина мисол, холос.

Шу боис сўзим охирида Тошкент халқаро анжуманининг амалий самаралари, ҳадемай, кўзга ташланади, дея ўзимнинг комил ишончимни изҳор қилишни истар эдим.

**«Жаҳон» АА.**

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ОЙЛИГИ

*Гиёҳвандлик — аср вабоси. Бу ҳақиқат замирида не-не аянчли тақдирлар, мажруҳлик, мубталолик, бевақт ўлим каби аччиқ ситамлар, босқинчилик, ўғрилик, фаҳш каби жирканч иллатлар ётганини, афсуски, ҳамма ҳам ҳамиша бирдек ҳис қилавермайди.*

# ҲАЁТ — ГЎЗАЛ, САЛОМАТЛИК — БЕБАҲО

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, айни пайтда дунё бўйича 500 миллиондан зиёд киши гиёҳвандлик воситаларига қарамликдан азоб чекаётир. Уларнинг аксариятини 30 ёшгача бўлган навқирон авлод вакиллари ташкил этаётгани ҳамда гиёҳвандларнинг катта қисми бедаво дард — ОИТСга чалинаётгани янада ачинарлидир. Хўш, бугун глобал муаммолар қаторида турган бу иллатдан — балои офатдан ўсиб келаётган ёш авлодни қандай асраш мумкин? Мамлакатимизда гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши кескин курашиш мақсадида олиб борилаётган кенг қамровли чора-тадбирларнинг самарадорлигини янада ошириш учун нима қилмоқ керак?

— Гиёҳвандлик — фожиалар гирдобидир, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилояти кенгаши раиси ўринбосари Жасур Раҳмонов. — Вилоятимизда бу иллатнинг олдини олиш, ёшлар ўртасида соғлом турмушни тарғиб қилиш мақсадларига йўналтирилган ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Жумладан, кенгашимиз қошида ОИТС ва гиёҳвандликнинг олдини олиш тўгараги фаолият кўрсатаётир. Ушбу тўгарак фаоллари томонидан минисессиялар ташкил қилиниб, шу йилнинг ўзида бу ишга қарийб 500 нафар йигит-қиз жалб қилинди. Мазкур тадбирларда гиёҳвандлик ва унинг ортида турган хатарлар, касалликлар атрофлича тушунтирилмоқда, “Биз соғлом турмуш тарафдоримиз!” мавзуида буклетлар тарқатилмоқда. Бундан ташқари, вилоят наркология диспансери, вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда касб-ҳунар коллежларида, олий таълим муассасаларида мавзу юзасидан давра суҳбатлари, турли спорт мусобақалари ўтказилаяпти. Асосий эътибор ёшларнинг онгида аср вабосига қарши маълумотлар базасини кенгайтиришга қаратилган.

Дарҳақиқат, мактабда, лицей ва коллежда, олий ўқув юртларида ёшларнинг онгу тафаккурига миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур сингдириш, кашандалик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ОИТС каби иллатларга қарши иммунитетни шакллантириб, соғлом турмушга бўлган интилишини кучайтириш мақсадида қилинаётган ишлар диққатга сазовордир. Бироқ ёшлар орасида гиёҳвандлик асирига айланиб қолиш ҳолатлари учраб тургани ҳам сир эмас. Бунинг сабаби, назаримизда, дарсдан сўнг ўсмирларнинг ота-она эътиборидан четда қолаётгани билан боғлиқ. Тарбия соҳасида бўшлиқнинг пайдо бўлиши носоғлом турмуш омилларига йўл очиб бермоқда.

— Юртимизда ёш авлод учун яратилаётган имкониятларга ҳар қанча ҳавас қилса, арзийди, — дейди қўшработлик педагог, меҳнат фахрийси, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби Абдуқодир Абдувоҳидов. — Лекин бу имкониятлардан барча ёшлар муносиб фойдаланаяпти, дейиш қийин. Кўпинча кечки тановулдан сўнг саломатликка фойдали, деб кўчада сайр қиламан. Ана шунда баъзан бир-икки ёшларнинг кўча четида ўтириб олиб, сигарета бурқситганча пивохўрлик қилаётганига гувоҳ бўламан. Уларнинг ота-оналарини яхши танийман. Ана шу ота-оналарни фарзандига кўпроқ эътибор қаратишга ундаб, маслаҳат берган пайтларим кўп бўлган. Баъзилар буни тўғри тушуниб, ҳушёр тортади. Айримлар эса “Сизга оғирлиги тушмасин!” қабилидаги гаплари билан дилимни хира қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги шиддаткор замонда фарзандларимизни, ёшларимизни ҳар қандай иллатдан, хусусан, гиёҳвандликдан асрамоғимиз, гўзал ҳаётнинг, саломатликнинг қадрига етишни ўргатмоғимиз, зийрак, фаол ҳамда фидойи бўлмоғимиз шарт ва зарур.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



Сирдарё: Жорий йилда вилоят телерадиокомпаниясида рақамли узатгич технологияси ўзлаштирилгач, мазкур ҳудудий телевидениенинг ижодий ва техник имкониятлари янада ошди.

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Малайзиянинг ғарбий соҳилида кема ҳалокатга учради, дейилади "Евроньюс" телеканали хабарида.*

## Кема ҳалокатга учради

Воқеа юз берган вақтда сув транспортида 97 киши бўлган ва тахмин қилинишича, улар Индонезиядан келаётган ноқонуний мигрантлар эди. Ҳалокат оқибатида 60 нафардан ортиқ одам бедарак йўқолган. Айни пайтда ана шу ҳудудда учта кема қидирув ишларини олиб бораяпти.

## Автомобилларга талаб ортмоқда

*Европа автомобиль ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси маълумотларига кўра, май ойида Европа Иттифоқи ҳудудида 1 миллиондан зиёд янги машина сотилган.*



Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,5 фоиз кўпдир. Йил бошидан буён эса ўсиш кўрсаткичи 6,9 фоизни ташкил қилди. "Кўҳна қитъа" автобозорининг яна ўнглана бошлашида иқтисодий қийинчиликларни секинаста енгиб ўтаётган давлатларнинг муносиб улуши бор. Масалан, янги автоуловлар савдоси Испанияда 17, Португалияда 37, Грецияда 42 фоизга кўтарилган. Харидорлар эътиборини энг кўп жалб этаётган русум эса Франциянинг "Renault" корпорацияси маҳсулотлари бўлиб турибди.

## Смартфонми ёки компьютер?

*Яқин беш йил ичида дунё бўйича смартфонлар энг оммабоп технологияга айланади ва персонал компьютерларга нисбатан олти баравар кўп сотилади.*

"IDC" компанияси ана шундай тахминни илгари сураяпти. Масалан, жорий йилда бу каби "ақлли телефон"лар савдоси 15,6 фоиз ошиб, 1,8 миллиард донани ташкил этади. 2018 йилга бориб эса бир йиллик харид қилинган смартфонлар 2,4 миллиард донага етади.

Компания таҳлилчиси Житеш Урбанининг айтишича, ушбу даврда смартфонлар одамлар учун биринчи рақамли технологияга айланади. Персонал компьютерлар эса унча муҳим бўлмаган қурилмалар қаторига кириб қолади.




## Йўлда ўтган вақт

*Ҳар куни уйингиздан ишхонангизга келгунча қанча вақт сарфлайсиз? Айни шу савол жавобини АҚШнинг Массачусетс технология институти мутахассислари дунё бўйича ўрганишди.*

Уларнинг тадқиқоти "PLoS ONE" журналида нашр этилди. Таъкидланишича, бугунги кунда Ер юзи аҳолиси қандай транспортдан фойдаланишидан қатъи назар, ишхонага етиб олгунча ўртача бир соат ёки ундан ҳам кўпроқ вақт сарфлайди. Тўртта йирик мегаполис — Бостон (АҚШ), Абиджан (Кот-д'Ивуар), Лиссабон (Португалия) ва Ар-Риёд (Саудия Арабистони) шаҳарларидаги ҳолат мисол сифатида келтирилар экан, мазкур ҳудудларда одамлар 50-70 дақиқани йўлда ўтказишлари аниқланган. Энг қизиғи, тош асри бошланган даврда ҳам меҳнаткашлар иш жойларига тахминан бир соатда етиб боришган экан.

## Кўрсаткичлар пасайди

*Жорий йилнинг май ойида Японияда импорт ҳажми 3,6, экспорт кўрсаткичи 2,7 фоиз пасайди.*



"The Wall Street Journal" нашрида келтирилишича, мамлакат савдо балансида, кетма-кет 23 ойдирки, тақчиллик кузатилаётир ва у 909 миллиард иена (8,9 миллиард АҚШ доллари)га баҳоланаяпти.

Экспертлар "Кунчиқар юрт"да импортнинг пасайиш ҳолати узоқ давом этмаслигини таъкидлашмоқда.

## Кучли торнадо

*Небраска штати (АҚШ)да кучли торнадо кузатилди.*

"Си-эн-эн" телеканали ахборотида таъкидланишича, табиат ҳодисаси бир инсоннинг ҳаётига зомин бўлди. 15 киши жароҳатланди. Кучли бўрон Пендер, Стентон, Уизнер ва Пилжер шаҳарларидаги хонадонларни вайронага айлантирган.

## Ёритиш тизимида носозлик

*"Mitsubishi" компанияси дунё бўйича сотилган 920 минг дона автомобилини қайтариб олади.*

Гап шундаки, мазкур автоуловларнинг олд ва ён тарафдаги чироқларида электр токи узилиши кузатилмоқда. Компания мутасаддиларининг алоҳида қайд этилишича, ана шу нуқсон ҳозирча бирор кўнгилсиз воқеага сабаб бўлган эмас. Фақат мижозлардан машинанинг ёритиш тизими яхши ишламаётгани тўғрисида 300 дан зиёд эътирозлар келиб тушган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА

# ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР

## бу борада қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган

*Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнини аҳолининг асосий қисмини ташкил этувчи ёшлар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зотан, юксак билимли, интеллектуал салоҳиятли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлиб, бугунги кунда ушбу йўналишда аниқ чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда.*

Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси ўз фаолияти давомида баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиб келаётир. Доимий комиссия томонидан, айниқса, ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, уларни тарихимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маданий меросимизни асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари орасида мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларининг мунтазам ўтказилаётгани, шунингдек, соҳада қабул қилинаётган муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг назорат-таҳлил тартибида ўрганиб борилаётгани эртанги кунимиз эгаларининг ҳақиқий юрт фидойилари бўлиб камол топишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Барчага аёнки, долзарб масалаларнинг ечими ўзаро ҳамкорликдаги ишларнинг самарасига бевосита боғлиқ. Шу боис доимий комиссиянинг ўтган даврдаги ўнга яқин йиғилишларида таълим соҳасида масъулликни ошириш, "Оила — мактаб — маҳалла" ҳамкорлигини кучайтириш, ёшлар ўртасида жиноятчилик, қизларни эрта турмушга узатиш ҳолатларининг олдини олиш, маънавий-маърифий ишларни юқори босқичга кўтариш, соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш, ёшларнинг бадиий адабиётлар ўқишига зарур шарт-шароитлар яратиш, "коллеж — мактаб" ҳамкорлигини йўлга қўйиш каби масалалар муҳокама этилди. Бу борада мавжуд муаммолар назорат-таҳлил тартибида ўрганилиб, йўл қўйилган камчиликлар ўз вақтида бартараф қилинди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги "Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги қарори қабул қилинганидан буён вояга етмаганларга оид қонунлар ижросини таъминлаш ҳокимликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва бошқа давлат ҳамда нодавлат ташкилотларининг фаолиятида асосий йўналишлардан бирига айланиб, ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларнинг таълим-тарбияси, соғлиғи ҳамда ижтимоий муҳофазасига оид қонунлар ижросига доимо эътибор қаратилаяпти.

Доимий комиссия аъзолари прокуратура органлари, тегишли ташкилот ва идоралар билан биргаликда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, назоратсизлик ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда қатор ишларни амалга оширмоқдалар. Чунончи, ўтган йили ҳудудий ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар билан ҳамкорликда 37 нафар қаровсиз ва назоратсиз қолган бола аниқланди, 8 нафари васийликка берилди, 21 нафари мактабга қайтарилди, 4 нафари меҳрибонлик уйига ва 4 нафари вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилди. Ўзбекистон Республикасининг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлашда, қатор маънавий-маърифий тадбирларнинг мунтазам ўтказилаётгани вояга етмаганларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини муҳофаза қилишда муҳим ўрин тутмоқда.

Шу ўринда Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ушбу соҳада кечаётган босқичма-босқич, тадрижий ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиб, бу борадаги ишларнинг янги босқичини бошлаб бераётганини қайд этиш жоиз. Мазкур қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастурида белгиланган устувор вазифаларни сифатли ва самарали бажариш мақсадида ишчи гуруҳи йиғилиши ўтказилди. Унда вилоятда 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳаракат режаси тасдиқланди.

Ҳозир ҳаракат режасида Дастурда белгилаб берилган ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган ватанпарвар йигит-қизларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш, ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-ҳунар эгаллаши учун муносиб шароитлар яратиш, иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш вазифалари ижроси бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Унда белгиланган 75 та банднинг 7 таси ҳудудимиз ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, ёшларимизни янада қўллаб-қувватлаш ва уларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда амалга оширилаётган тадбирлардир. Бу борада доимий комиссия аъзолари ҳам қатор вазифаларни белгилаб олдилар. Жумладан, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш бўйича ўндан ортиқ тадбир ҳамда лойиҳалар вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида самарали ташкил этилмоқда.

Келажак авлод вакилларининг истиқболи йўлида қабул қилинаётган қонунлар, бу борада амалга оширилаётган дастурларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан жамиятдаги турли қатлам вакилларининг улардан қай даражада хабардорлигига боғлиқ. Шуни инобатга олган ҳолда, ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларини, бу борада ҳаётга татбиқ этилаётган дастурларнинг мазмун-моҳиятини ёшларимиз онгига етказиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Биз бу йўлда ёш авлодга камарбаста бўлишимиз, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз мақсадга мувофиқдир.

**Рўзумбой ЭШЧАНОВ,**
**халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияси раиси.**

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!*

## «KAFOLAT-RIELT» МЧЖ

**2014 йил 21, 24, 28 ва 31 июль кунлари соат 15.00 да «Асака» банки (ОАЖ) балансидаги қуйидаги объектлар бўйича бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади.**

***Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уйда ўтказилади.***

| Т/р | Объект номи | Объект манзили | Асосий фаолият тури | Объектнинг бошланғич сотилиш баҳоси |
|---|---|---|---|---|
| 1. | «Асака Коттон Импекс» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз банк улуши | Тошкент вилояти, Ангрен ш., «Увак» ҚФЙ, Гулбоғ аҳоли пункти | Тиббий гигроскопик пахта ишлаб чиқариш | 7 876 420 000,00 сўм |
| 2. | «Осиё Асака Модел» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз банк улуши | Тошкент ш., Гавҳар кўчаси, 124-уй | Пойабзал ишлаб чиқариш | 3 015 500 000,0 сўм |
| 3. | «Қоракўл Асака Текстил» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз банк улуши | Бухоро вилояти, Қоракўл тумани, «Хўжалар» МФЙ, Улуғбек кўчаси | Калава ип, трикотаж мато ишлаб чиқариш, трикотаж матога ишлов бериш | 17 772 179 850 сўм |

**«Асака Коттон Импекс» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз банк улуши бўйича аукцион савдолари шартлари:**
* закалат пули мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаслиги лозим;
* тўловларни 7 (етти) йил муддатга бўлиб тўлаш имконияти мавжуд;
* 20 календарь куни давомида шартнома суммасининг 15 фоиз миқдоридан кам бўлмаган маблағни бўнак пули сифатида тўлаш (аукцион савдоларида қатнашиш учун тўланган закалат пули билан бирга);
* олди-сотди шартномасининг қолган 85 фоизини шартномада белгиланган жадвал асосида тўлаш;
* аукцион савдолари натижасига кўра, сотилиш баҳоси бошланғич сотиш баҳоси ўртасидаги фарқни закалат пулига қўшимча равишда тўлаш;

«Асака Коттон Импекс» МЧЖ устав фондидаги банк улушига бўлган эгалик ҳуқуқи сотиб олувчининг мажбуриятлари бўйича «Асака Коттон Импекс» мулкий мажмуасини банкга гаров таъминоти сифатида берилишига рухсат бериш шарти билан олди-сотди шартномаси бўйича аванс тўлови амалга оширилгандан кейин сотиб олувчига ўтказилади;

«Асака Инвестмент» МЧЖ томонидан «Асака Коттон Импекс» МЧЖга ажратилган 486,0 млн. сўм миқдоридаги қарз маблағларини ва унга ҳисобланган барча фоиз тўловларини олди-сотди шартномаси имзоланган санадан бошлаб бир йил давомида тўлаш;
* «Асака Коттон Импекс» МЧЖ устав фондидаги «Асака» банки (ОАЖ) улушини сотиб олиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ижобий қарорини олиш.

**«Осиё Асака Модел» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз банк улуши бўйича аукцион савдолари шартлари:**
* закалат пули мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаслиги лозим;
* тўловларни 7 (етти) йил муддатга бўлиб тўлаш имконияти мавжуд;
* 20 календарь куни давомида шартнома суммасининг 15 фоиз миқдоридан кам бўлмаган маблағни бўнак пули сифатида тўлаш (аукцион савдоларида қатнашиш учун тўланган закалат пули билан бирга);
* олди-сотди шартномасининг қолган 85 фоизини шартномада белгиланган жадвал асосида тўлаш;
* аукцион савдолари натижасига кўра, сотилиш баҳоси бошланғич сотиш баҳоси ўртасидаги фарқни закалат пулига қўшимча равишда тўлаш;
* «Осиё Асака Модел» МЧЖ устав фондидаги банк улушига бўлган эгалик ҳуқуқи сотиб олувчининг мажбуриятлари бўйича «Осиё Асака Модел» мулкий мажмуасини банкга гаров таъминоти сифатида берилишига рухсат бериш шарти билан олди-сотди шартномаси бўйича аванс тўлови амалга оширилгандан кейин сотиб олувчига ўтказилади;
* «Асака Инвестмент» МЧЖ томонидан «Осиё Асака Модел» МЧЖга ажратилган 159,5 млн. сўм миқдоридаги қарз маблағларини ва унга ҳисобланган барча фоиз тўловларини олди-сотди шартномаси имзоланган санадан бошлаб олти ой давомида тўлаш;
* «Осиё Асака Модел» МЧЖ устав фондидаги «Асака» банки (ОАЖ) улушини сотиб олиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ижобий қарорини олиш.

**«Қоракўл Асака Текстил» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз банк улуши бўйича аукцион савдолари шартлари:**
* закалат пули мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаслиги лозим;
* тўловларни 7 (етти) йил муддатда бўлиб тўлаш имконияти мавжуд;
* 20 календарь куни давомида шартнома суммасининг 15 фоиз миқдоридан кам бўлмаган маблағни бўнак пули сифатида тўлаш (аукцион савдоларида қатнашиш учун тўланган закалат пули билан бирга);
* олди-сотди шартномасининг қолган 85 фоизини шартномада белгиланган жадвал асосида тўлаш;
* аукцион савдолари натижасига кўра, сотилиш баҳоси бошланғич сотиш баҳоси ўртасидаги фарқни закалат пулига қўшимча равишда тўлаш;
* «Қоракўл Асака Текстил» МЧЖ устав фондидаги банк улушига бўлган эгалик ҳуқуқи сотиб олувчининг мажбуриятлари бўйича «Қоракўл Асака Текстил» мулкий мажмуасини банкга гаров таъминоти сифатида берилишига рухсат бериш шарти билан олди-сотди шартномаси бўйича аванс тўлови амалга оширилгандан кейин сотиб олувчига ўтказилади;
* «Қоракўл Асака Текстил» МЧЖ устав фондидаги «Асака» банки (ОАЖ) улушини сотиб олиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ижобий қарорини олиш.

Аукцион савдоларига қўйилган мулклар билан танишиш сотувчининг вакили иштирокида амалга оширилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун аукцион савдолари бошланишидан камида уч соат олдин «Kafolat-rielt» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Чилонзор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланиши ва закалат пули ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган буюртманомалар тақдим этилиши лозим: 20208000904406764001, МФО: 01067, СТИР: 205669645, ХХТУТ: 84200.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирганлардан талабномалар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уйда қабул қилинади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун буюртманомаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Аукционда иштирок этиш истагидаги талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:
- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида расмийлаштирилган ишончнома, сотиб олувчининг ваколатли органи томонидан объектни сотиб олиш бўйича қабул қилган қарор нусхаси;
- жисмоний шахслар учун — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

**Қўшимча маълумотлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат этиш мумкин:**

**«Kafolat-rielt» МЧЖ**
**Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй.**
**Тел.: (+99890) 914-95-27, 238-69-04.**

**«Асака» банки (ОАО)**
**Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 67-уй.**
**Тел.: (8-371) 120-81-11, 120-39-68, 120-39-75.**
**Факс: (8-371) 120-86-91, 120-39-84.**

926R/492

● РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ●

**O'ZSANOATQURILISHBANK**

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ**

**банк тизимидаги мавжуд алоқа тармоғидаги «Cisco Systems» қурилмалари учун 24*7 режимда қўшимча кафолат муддати хизмат кўрсатиш функцияларини активлаштириш бўйича**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин:

**Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.**
**Тел./факс: (8-371) 120-45-56, 120-45-60.**
**Ички телефонлар: 30-63, 32-24**

Нархлари кўрсатилган тижорат таклифлар (тижорат таклифлар алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан муҳрланган бўлиши лозим) 2014 йил 4 июль соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

927R/497

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖ Андижон филиалида 2014 йил 25 июль куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк объекти қўйилган:

Андижон шаҳар СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 2014 йил 21 февралдаги 1-440/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон шаҳри, Истиқлол кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 845,48 кв.м., умумий майдони 4700 кв.м. бўлган, А, А1, А2, А3, Б, Б1, В-литерлардаги бино-иншоотларнинг 1/3 қисми.

***Бошланғич баҳоси — 312 500 000 сўм.***

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва 2014 йил 23 июль куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:**
**Андижон шаҳри, Миллий тикланиш кўчаси, 36-уй, 3-қават.**
**Тел.: (8-374) 224-62-19.**

Хизматлар лицензияланган.

928R/90

"Ўзбекфильм" ОАЖ жамоаси бино-иншоотлардан фойдаланиш ва моддий техник таъминоти бошқармаси бошлиғи

**Тилаган Талипович НАЗАРОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Kafolat" davlat-aksiyadorlik sug`urta kompaniyasi AJ жамоаси Юридик бошқарма бош менежери Нодиржон Шоназаровга падари бузруквори

**ТУЙМА отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Бразилия: Футбол бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионати ҳакамлари фаолиятини баҳолаб бораётган worldreferee.com сайти рейтингида дастлабки турдан сўнг ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов 8,1 балл билан биринчи ўринни эгаллади.

# ЯНГИ МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАГАН АВЛОД

*Футбол бўйича Бразилияда давом этаётган йигирманчи жаҳон чемпионатини кузата туриб, спортнинг мамлакатни, халқни дунёга танитиш, нуфузини юксалтиришдаги ўрни нечоғли катта эканига яна бир карра амин бўласан, киши. Чунки ҳар бир учрашув бошланиши аввалида майдонга ўзаро беллашадиган жамоаларнинг давлат байроқлари олиб чиқилиши, мадҳияларнинг янграши, футболчиларнинг уни жўр бўлиб куйлашию стадионга йиғилганларнинг ҳурмат билдириб олқишлаши барчада ўзгача ҳавас уйғотади. Шу боис ҳам бундай онлар мундиалда терма жамоаси қатнашаётган мамлакат вакиллари учун алоҳида аҳамиятга эга.*



**Бугун — Жаҳон болалар футболи куни**

Мазкур жаҳон чемпионатини биз, ўзбекистонликлар билан бевосита боғлаб турадиган жиҳат ҳам йўқ эмас. Биласиз, унда ФИФА рефериси, ҳамюртимиз Равшан Эрматов ҳам иштирок этаяпти ва бундан ҳар биримиз чексиз фахр ҳамда ифтихор ҳиссини туймоқдамиз. Айниқса, ҳакамни таништириш чоғида Ўзбекистон номининг тилга олиниши ўзгача бир туйғудир. Шундай эмасми?

Спортнинг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ўрни ҳам жуда катта. Бир тасаввур қилиб кўринг, нуфузли мусобақаларни катталар билан бирга, қанчадан-қанча болалар ҳам томоша қилишади. Ана шу жараёнда спортчиларнинг ғалабага бўлган интилиши, маҳорати улар қалбида иштиёқни юзага келтириб, “Мен ҳам, албатта, ўз истеъдодимни кўрсатаман, Ватаним шаънини муносиб ҳимоя қиламан”, деган истакни кучайтиради.

**З**амонавий тиббиёт хулосаларига кўра, спорт, хусусан, футбол билан шуғулланган бола соғлом ва бақувват бўлиб ўсади. Ақл-идроки ривожланади, ҳамжиҳатликни, жамоа бўлиб ҳаракат қилишни ўрганади. БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамда Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (ФИФА) келишувига кўра, 19 июннинг “Жаҳон болалар футболи куни” деб белгиланганида ҳам шу жиҳатлар алоҳида эътиборга олинган. Мазкур санада дунёнинг қатор давлатларида, хусусан, мамлакатимизда ҳам болалар футбол жамоалари иштирокида кўплаб спорт тадбирлари ўтказилади. Мусобақалар уюштирилиб, ёш истеъдод эгаларига яна бир карра ғамхўрлик кўрсатилади. Бу эса уларга қўшимча куч, ғайрат бағишлаши, шубҳасиз.

Таъкидлаш жоиз, истиқлол йилларида юртимизда футболни ривожлантириш, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган маҳоратли футболчиларни тайёрлаш мақсадида қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, Футболни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилди. У айни вақтда болалар ва ўсмирлар футболини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Президентимизнинг 2011 йил 19 январдаги “2011 — 2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, футбол бўйича мактаб-интернатлар, болалар ва ўсмирлар мактаблари, профессионал футбол клублари ва терма жамоаларда ўқув-машқ жараёнини яхшилаш, футболчилар, мураббийлар ҳамда ҳакамларнинг маҳорат ва малакасини ошириш, стадионлар қуриш, мавжудларини талаб даражасида таъмирлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Тошкент шаҳрида “Бунёдкор” ва “Локомотив”, Бекобод шаҳрида “Металлург”, Олмалиқ шаҳрида “Олмалиқ”, Наманганда “Навбаҳор” футбол клубларининг замонавий стадионлари фойдаланишга топширилгани ана шу саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодасидир. Жойларда бу борадаги тадбирлар изчил давом этаяпти.

Табиийки, амалга оширилаётган эзгу ишлар ўз самараларини ҳам бераяпти. Биргина ўтган йил мисолида айтадиган бўлсак, ўн етти ёшгача бўлган ўсмирларимиз ҳамда йигирма ёшгача бўлган футболчиларимиз жаҳон чемпионатларида қатнашиб, нуфузли мусобақаларнинг чорак финал босқичигача етиб борганини ҳаммамизга олам-олам қувонч ҳадя этди.

Яна бир гап. Футболимиз равнақи йўлида жонбозлик кўрсатиб келаётган мураббийлар, футболчиларни рағбатлантириб бориш масаласи ҳам доимо эътиборда. Бунга мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига асосан, бир гуруҳ юртдошларимиз қаторида футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Аҳмаджон Мусаев ҳамда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Дилшод Нуралиев “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони, футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси катта мураббийи Алексей Евстафеев эса “Дўстлик” ордени билан мукофотлангани яққол мисол бўла олади. Шунингдек, Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллиги арафасида давлатимиз раҳбарининг “Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, мамлакатимизнинг ўсмирлар ва ёшлар терма жамоалари таркибидаги ажойиб ўйинлари билан мухлису мутахассисларнинг эътирофини қозонган Тошкент шаҳрининг “Пахтакор” профессионал футбол клуби аъзоси Аббосбек Махсталиев “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони билан тақдирланди.

Кўп кузатамиз, Президентимиз вилоятларга ташриф буюрганларида, албатта, ўша жойда спорт, жумладан, болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратадилар. 2010 йилда Андижонга қилган сафарлари чоғида вилоят марказининг Шўрбулоқ даҳасида бунёд этилган, халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий спорт мажмуаси фаолияти билан яқиндан танишиб, ўзларининг қимматли таклифларини берган эдилар. Шундан сўнг, давлатимиз раҳбарининг “Андижон шаҳрида футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур мактаб-интернатда яратилган шарт-шароитлар билан танишар экансиз, кўнглингизда ажиб бир қувонч, фахрланиш ҳисси уйғонади. Тўртта футбол майдони, спорт зали, сузиш ҳавзаси, тренажёр зали, ўқув хонаси, дам олиш хонаси, замонавий жиҳозлар футболимизнинг эртанги эгалари ихтиёрига берилган. Уч йил муқаддам таълим даргоҳининг 100х70 ҳажмдаги асосий майдонига Ўзбекистон Футбол федерацияси томонидан жаҳон талабларига мос сунъий қоплама тўшалгани туфайли бу ердаги имкониятлар янада яхшиланди.

— **М**актаб-интернатимизда 10 ёшдан 15 ёшгача бўлган 120 нафар ёш футболчи тарбияланмоқда, — дейди ихтисослаштирилган мактаб-интернат бош мураббийи Лутфилло Мажидов. — Уларга тезлик, техника, дриблинг, ақлий изланишларни ривожлантириш каби замонавий футбол талаблари асосида сабоқ берилмоқда. Тарбияланувчиларимиз ўйин амалиётини ошириш мақсадида Фарғона водийсининг бошқа вилоятлари жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказиб турилади. Шунингдек, вилоятимизда ташкил этилган “Келажак лигаси” ҳамда республика миқёсидаги мусобақаларда футболчиларимиз мунтазам қатнашиб, совриндорлар қаторидан жой олишмоқда. Асосийси, тажриба орттиришаяпти.

— Жуда кўп тенгқурларим қатори менинг ҳам ниятларим кўп, — дейди ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси Муҳаммадали Турсунов. — Аввало, астойдил ўқиб, билимимни бойитмоқчиман. Футболчи сифатида номдор клубларда ўйнасам, миллий терма жамоамиз сафида тўп сурсам, дейман. Энг катта орзуим — нуфузли мусобақаларда муваффақиятга эришиб, байроғимизни бошим узра кўтариш, майдон бўйлаб югуриш. Ана шу мақсадимга, албатта, етишаман.

**Ў**з фикрига, мақсадига эга мана шундай ёшларимизнинг борлиги бизнинг бахтимиз, ғуруримиз. Бинобарин, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир.

Болалар футболига бу қадар юксак эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Боиси, катта майдонга илк қадамлар айнан шу даврдан бошланади. Ишончимиз комилки, бугун ғалабанинг дастлабки нашидасини тотиб, мағлубиятдан тўғри хулоса чиқаришга ўрганаётган, интилишу изланишлари билан ҳеч кимдан кам эмаслигини намоён этаётган навқирон авлод вакиллари келгусида жаҳон аренасида она-Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қиладилар.

**Шавкат ОРТИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

ТАНЛОВ

## Истеъдод эгалари рағбатлантирилди

*Тошкент вилояти “Маънавият ва маърифат” марказида “Юрт келажаги” республика иқтидорли ёшлар танловининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.*

Унда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган 4000 нафардан ортиқ йигит-қизлар “Архитектура ва дизайн, либослар дизайни”, “Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар”, “Анъанавий ва амалий санъат”, “Иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни такомиллаштириш бўйича таклифлар”, “Адабиёт ва журналистика” йўналишларида билим ҳамда иқтидорларини намойиш этишди. Якунда 48 нафар ғолиб республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Танловда тадбиркорликни ривожлантиришга оид бир неча лойиҳаларим билан иштирок этдим, — дейди Оҳангарон туманидаги саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Боймирза Бойсафаров. — Бизнинг туманда саноатнинг кўпгина йирик тармоқларидан ташқари кичик бизнес, ҳунармандчилик, чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш учун табиий шарт-шароитлар етарли. Шу боис таклифларим истиқболли деб топилиб, танлов ғолиблари сафидан жой олдим.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---


ТЕНДЕР САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ

## Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

**Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уйда жойлашган (кейинги ўринларда — сотиб олувчи), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ягона интеграциялашган ахборот тизими учун «Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими» («ДМБАТ») дастурий таъминоти ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ягона интеграциялашган ахборот тизими учун сервер қурилмаларини сотиб олишга очиқ тендер савдоларини эълон қилади.**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ягона интеграциялашган ахборот тизими учун «ДМБАТ» дастурий мажмуасини етказиб берувчи талабгорларга қўйиладиган асосий малакавий талаблар:
— ахборот-коммуникация технологиялари бозорида камида 10 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши;
— охирги беш йил мобайнида камида 3 та — ўзи томонидан яратилган тайёр дастурий маҳсулотларни молия/банк секторларида асосий дастурий таъминот сифатида тўлиқ татбиқ этган ва/ёки техник қўллаб-қувватлаш бўйича тажрибага эга бўлиши;
— шартнома мажбуриятларини бажариш учун етарли айланма маблағларга эга бўлиши;
— «ДМБАТ» дастурий мажмуасини ишлаб чиқишда таркибида малакали дастурчиларга эга бўлиши.
Батафсил маълумотлар тендер ҳужжатларида келтирилган.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ягона интеграциялашган ахборот тизими учун сервер қурилмаларини етказиб берувчи талабгорларга қўйиладиган асосий малакавий талаблар:
— маҳсулот ишлаб чиқарувчиси билан расмий ҳамкор бўлиши ва тендер савдоларида иштирок этиш ҳуқуқи (авторизация)га эга бўлиши;
— охирги 3 йил мобайнида эълон қилинаётган лойиҳага ўхшаш камида иккита лойиҳа доирасида техник воситаларни амалиётга татбиқ этиш тажрибасига эга бўлиши;
— шартнома мажбуриятларини бажариш учун етарли айланма маблағларга эга бўлиши.
Батафсил маълумотлар тендер ҳужжатларида келтирилган.

**3.** Талаб этилаётган «ДМБАТ» дастурий мажмуасини етказиб бериш муддати: дастурий мажмуани фойдаланишга татбиқ этиш муддати шартнома кучга кирган санадан бошлаб 730 календарь куни бўлиб, шартлар тендер ҳужжатларида батафсил келтирилган.

**4.** Сервер асбоб-ускуналарини етказиб бериш муддати — шартнома кучга кирган санадан 90 календарь куни. Етказиб бериш шартлари — CIP Тошкент ш., шартлар тендер ҳужжатларида батафсил келтирилган.

**5.** Етказиб беришнинг максимал нархи: «ДМБАТ» дастурий мажмуаси — 4,0 млрд. сўм, сервер қурилмалари — 7,5 млрд. сўм.

**6.** Тендер маълумотларини олиш бўйича саволлар билан тендер комиссиясининг ишчи гуруҳи — Молия вазирлиги «Ахборот-ҳисоблаш маркази» ДУКга мурожаат этиш мумкин: Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 29-уй.
Телефон: (8-371) 232-15-31. Факс: (8-371) 232-69-58.

**7.** Даъвогарлар ҳар бир тендер савдолари бўйича тендер ҳужжатларини 500 (беш юз) АҚШ доллари миқдорида қайтарилмайдиган тўловни амалга оширгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилга ёзма равишда ариза берган ҳолда олишлари мумкин. Даъвогар-резидентлар тўлов миқдорини тўлов амалга оширилаётган кунда Марказий банк курси бўйича миллий валюта (сўм)да тўлашлари мумкин. Тўлов банк орқали маблағ кўчириш йўли билан амалга оширилади ва тендер савдолари номини кўрсатган ҳолда «Тендер ҳужжатлари учун комиссия йиғимлари», деб акс эттирилиши лозим.

**8.** «ДМБАТ» дастурий мажмуаси савдолари гаров суммаси — 40 млн. сўмни, сервер қурилмалар учун — 40 минг АҚШ долларини ташкил этади.

**9.** Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан гаров маблағлари миллий валютада сотиб олувчининг ҳисоб рақамига ўтказилади: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳри бўйича Бош бошқармасининг ҳисоб-касса маркази, ҳ/р: 23402000300100001010, ШҲР: 400110860262667950100092001, МФО: 00014, СТИР: 201122919, ОКОНХ: 97300.

**10.** Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан гаров маблағлари АҚШ долларида сотиб олувчининг ҳисоб рақамига ўтказилади: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳри бўйича Бош бошқармасининг ҳисоб-касса маркази, ҳ/р: 21502840200100001007, SWIFT: CB UZUZ 22, МФО: 00014, СТИР: 201122919.

**11.** Тендер ҳужжатларини сотиб олувчилар учун ишчи гуруҳнинг реквизитлари:
- миллий валютада тўловлар учун (UZS), банк — Очиқ акциядорлик инновацион тижорат банки «Ипак йўли», ҳ/р: 20210000100101540001, МФО: 00444, СТИР: 201059101, ОКОНХ: 82000;
- хорижий валютада тўловлар учун (USD), банк — Очиқ акциядорлик инновацион тижорат банки «Ипак йўли», ҳ/р: 22614840100101540001, SWIFT: INIPUZ22, МФО: 00444, СТИР: 201059101, ОКОНХ: 82000.

**12.** Тендер ҳужжатларини топшириш муддати: 2014 йил 23 июль соат 15.00. Тендер комиссияси ишчи гуруҳи манзили: Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 29-уй.

881R/475


ЭЪЛОНЛАР


## «KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2013 йил 27 декабрдаги 1-5795/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олимлар (собиқ Н. Ходжибаев) кўчаси, 1/10-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 47,23 кв.м., тураржой майдони 29,08 кв.м.дан иборат бўлган 2 хонали 6-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 35 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 25 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

924R/562

Хизматлар лицензияланган.



## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

Аукцион савдосига «Real gold invest» МЧЖнинг 2014 йил 13 июндаги буюртманомаси ва «Real gold invest» МЧЖ таъсисчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2014 йил 10 июндаги 03-сонли баённомасига асосан, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Баку кўчаси, 179-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 4499 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш цехи ва базаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 670 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 22 июль куни соат 12.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 18 июль куни соат 18.00.

Юқоридаги кўчмас мулк 2014 йил 22 июль куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 29 июль ва 5, 12 август кунлари соат 12.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 29 июлдаги савдо учун — 25 июль куни, 5 августдаги савдо учун — 1 август куни, 12 августдаги савдо учун — 8 август куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади: юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома, жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, савдода ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома, аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукцион савдоси ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловлар савдо ғолиби аниқланган кундан бошлаб, 30 календарь куни ичида тўлиқ амалга оширилиши шарт.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-80-26. www.1kms.uz**

923R/1453

Хизматлар лицензияланган.


WWW.XS.UZ

**Тошкент:** Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан янги — ротарикс вакцинаси амалиётга жорий этилиши муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 669. 118 344 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.35 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5